



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Сирдарё вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи  
Б.А.Батыров  
2021 йил

Сирдарё вилояти статистика бошқармаси  
Қишлоқ хўжалиги ва экология  
статистикаси бўлими  
НИЗОМИ

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қабул қиласан бошқа меъёрий хужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи раҳбарлигига фаолият кўрсатади.

3. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва бошқа қонун хужжатларга амал қиласан ҳолда иш тутади.

**II. Бўлимнинг асосий вазифалари**

5. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлимнинг асосий фаолияти қўйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисбот кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини, холислигини ва изчилигини таъминлаш;

- статистика ахборотининг қулайлигини, аниқлигини ва ошкоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

- статистика ишларини ташкил этишининг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашибни истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

- вилоят бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишибни амалга ошириш;

- вилоят худудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида статистика кузатувларини амалга ошириш;

- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва ҳалқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахборати билан белгиланган тартибда таъминлаш;

- статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;

- статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;
  - статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;
  - хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш;
  - ҳудудий ва иқтисодиёт тармоқларида юзага келаётган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисбот давридаги статистик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маъruzаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;
  - иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;
  - иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда мақолаларни, шунингдек ҳисбот даврида республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммовий ахборот воситаларида эълон қилиш;
  - ҳисбот даврида республика ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;
  - статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатилаётган интерактив хизматлар мазмунидан қониқиши ҳосил қилганини ҳусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиши;
  - ишончли давлат статистик ҳисботларни хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва ҳукукий маданиятни оширишнинг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиши;
  - статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот комуникация технологияларини кенг татбиқ қилиши.
6. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади..

### **III. Бўлимнинг асосий функциялари**

7. Қишлоқ хўжалик ва экология статистикаси ишлари бўлимнинг ўз зиммасига юклangan вазифаларига мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради;
  - давлат статистика принципларига риоя этилишини таъминлайди;
  - статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларининг бажарилишини таъминлайди;
  - статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;
  - давлат статистика хисботи шаклларини ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
  - белгиланган тартибда муҳим ижтимоий иқтисодий муаммолар бўйича мониторингни ташкил қиласи ва амалга оширади;
  - вилоят ҳудудлари ва тармоқларида рўй бераетган ижтимоий-иктисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлайди;
  - вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ислохатларнинг боришини, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар фаолиятларини ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида, бозор муносабатлари, асосий воситалар харакати ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, нархлар динамикасини, давлат, корхона ва иқтисодиёт тармоқларининг молиявий ахволини, меҳнат бозорлари, инвестиция ва демографик жараёнлари, меҳнат ресурслари динамикаси ва таркибини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шартларини, ижтимоий соҳа ҳукукий тартибот ва экологиянинг ахволини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши динамикасини, статистика кузатувларини амалга оширади;

- вилоятдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ходисаларнинг дастлабки статистик таҳлилини амалга оширади;

- статистика фаолияти, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини юритиш масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқишида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

- статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот-тушинтириш ишларини амалга оширади;

- миллий қонун хужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг маҳфийлигини таъминлайди;

- маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очиқ статистика ахборотларини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун кенг шароитлар билан таъминлайди.

8. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### IV. Бўлимнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

9. Бўлим қўйдаги хуқуқларига эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

- олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, холислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

- давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

- давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий хужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушинтириш ишларини амалга ошириш;

- олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;

- вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш;

- статистика ҳисботи кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби интизомининг бузилишига йўл кўйган ҳамда яширин ва ноқонуний ишлаб чиқариши, пул маблағларининг банқдан ташқари айланишини яширишга ва корхоналар фаолиятини холисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфаатларига заар келтирадиган нотўғри статистика маълумотларини қасдан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш;

- статистика хисоботини қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

10. Бўлим ўзига тегишли вазифалар доирасида статистика соҳасидаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

11. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига қўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

12. Бўлим бошлиғи бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир.

13. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

#### **V. Бўлимнинг ташкилий ва функционал структураси**

14. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

15. Бўлимни мазкур низоми асосида бўлим бошлиғи бошқаради.

16. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозими бошқарма бошлиғи томонидан тайинланади ва озод этилади.

17. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

18. Бўлим шартлари сони ва иш ҳақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.